

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

САИТКАМОЛОВ МУХАММАДХЎЖА СОБИРХЎЖА ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИДА
ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.03 - Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

УДК: 625.1:330.322

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Саиткамоллов Муҳаммадхўжа Собирхўжа ўғли Ўзбекистон Республикаси темир йўл тармоғида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш	5
Саиткамоллов Муҳаммадхўжа Собирхўжа ўғли Повышение эффективности инвестиционной деятельности в железнодорожной отрасли Республики Узбекистан.....	29
Saitkamolov Mukhammadkhoja Sobirkhoja oqli Improving the efficiency of investment activity in the railway sector of the Republic of Uzbekistan	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

САИТКАМОЛОВ МУХАММАДХЎЖА СОБИРХЎЖА ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИДА
ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.03 - Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2019.2.PhD/Iq884 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация аннотацияси уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (resюме)) Илмий
кengашнинг веб-саҳифасида (www.tdu.uz) ва «Ziyouet» Аxbорот тaълим порталда
(www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Гайбизарова Зумира Талатовна иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Расмий ошмонестлар:	Саматов Гаффор Алмакулович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Хонкелдиева Гузал Шеронова иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи таъинловчи:	Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий
даржалар берувчи DSc. 0У30.12.2019.1.03.05 рақами Илмий кengашнинг 2021 йил
« 11 » Апрел соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Маълум: 100095,
Тошкент ш., Университет кўча, 2-уй. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32;
e-mail: tstu_info@tdtu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Аxbорот-ресурс
марказида таъинловчи нумари (204 рақами билан рўйхатга олинган). (Маълум: 100095,
Тошкент ш., Университет кўча, 2-уй. Тел.: (+99871) 246-03-41.)

Диссертация аннотацияси 2021 йил « 30 » апрель куни тарқатилди.
(2021 йил « 30 » апрелдаги 12 рақамли реестр баъиномаси).



[Signature]
И.М.Махсудов
Илмий даржалар берувчи илмий кengаш
раҳбари иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

[Signature]
Г.Ж. Алшарип
Илмий даржалар берувчи илмий кengаш
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

[Signature]
М.А.Махкамова
Илмий даржалар берувчи илмий кengаш
котибидан илмий оештар уявчи,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида рақобатнинг шиддатли кучайиб бориши шароитида темир йўл транспортини технологик ва инновацион жиҳатдан ривожлантириш масалаларига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Тармоқнинг бундай йўналишда ривожланиши натижасида «кейинги йилларда жаҳон темир йўл транспорти бозори ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш суръати 10,9 фоиз бўлиши кутилмоқда»¹. Жаҳон иқтисодиётининг бир томондан рақамлаштириш-технологик жиҳатдан рақобатли ривожланиши, иккинчи томондан эса темир йўл транспортига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши темир йўл тармоғида инвестицион фаолият самарадорлигини янада ошириш заруратини кўрсатмоқда.

Жаҳонда темир йўл транспорти бозорида рақобатнинг кучайиб бориши сабабли соҳанинг инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича техник-технологик, дастурий, иқтисодий ва бошқа йўналишларда илмий-тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан ностандарт иқтисодий шароитларда темир йўл транспортдаги харажатларни оптималлаштириш механизмларини такомиллаштириш, инвестицион ресурсларни самарали жойлаштириш ҳисобига хусусий сектордаги ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантириш, инвестицион имкониятларни минтақалараро ва глобал даражада мувофиқлаштириш асосида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш йўналишларидаги илмий-тадқиқотларга устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда темир йўл транспортини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва инвестицион фаолият самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «...Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2019 йилда 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди. Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт ва энергетика каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак»². Бу ўз навбатида асосий капиталга киритилган инвестицияларни эътиборга олган ҳолда самарадорликни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир индивидуал позицияси асосида темир йўл транспорти корхоналарининг инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда рақамлаштириш ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик шароитларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш фондларининг замонавийлигини баҳолаш усулини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

¹https://www.researchandmarkets.com/reports/5238030/rail-transport-global-market-report-2021-covid?utm_source=GNOM&utm_medium=PressRelease&utm_code=lnhkh&utm_campaign=1493408+-+Worldwide+Industry+for+Rail+Transport+to+2030+-+Identify+Growth+Segments+for+Investment&utm_exec=jamu273prd

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сон «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тармоғини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230-сон «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестициялар ва инвестицион фаолиятнинг назарий асослари ҳамда амалий жиҳатларини К.Эклунд, У.Ф.Шарп, И.Бланк, В.В.Бочаров, О.Мельникова, К.В.Павлов, А.Н.Асаул, М.П.Войнаренко, Н.Ю.Ерофеев, К.П.Янковский, Д.В.Муха³ каби хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан И.А.Баранова, Б.А.Аксенов, А.А.Бирюков⁴ ва бошқалар томонидан темир йўл тармоғига жалб қилинаётган инвестицияларнинг мазмун ва моҳияти, иқтисодий-ижтимоий ривожланишдаги аҳамиятига бағишланган илмий ишлари билан транспорт иқтисодиётининг ривожланишига ўз хиссаларини кўшишган.

Инвестициялашнинг назарияси ва амалиёти, мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш ва диверсификацион жараёнларни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳамда инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари маҳаллий иқтисодчи олимлардан М.А.Икрамов, М.Н.Ирисбекова, М.Н.Равшанов, Б.Т.Салимов, Ғ.А.Саматов, Н.М.Махмудов, З.Т.Гаибназарова, А.А.Ғуломов, К.А.Мухиддинова, Г.Б.Юсупходжаева, Т.У.Қодиров⁵ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

³ К.Эклунд. Эффективная экономика: Шведская модель. М. "Экономика" 1991, 96 стр., У.Шарп, Г.Александр, Дж.Бейли. Инвестиция, Пер. С. Анг.-М.: "Инфра". 2000. 979 б., И.А Бланк. Основы финансового менеджмента. Т.2. – К.: Ника-Центр, 1999. – 398 стр., В.В.Бочаров Инвестиции: Учебник - 2 - е издании - СПб: "Питер" 2009. -348 с., О.В.Мельникова. Привлечение инвестиций в национальную экономику России/, Монография — "Дашков и К", 2009,стр 12., К.В.Павлов. "Инвестиции и инновации интенсивного и экстенсивного типа: макроэкономический подход" Вісник економічної науки України 2009/№2 стр.102, А.Н.Асаул, М.П.Войнаренко, П.Ю.Ерофеев. "Организация предпринимательской деятельности" Учебник. Под.ред. д.э.н., проф. А.Н.Асаула. – СПб.: "Гуманитка", 2004. 223с., К.П.Янковский "Инвестиции" Учебник. – СПб.: Питер, 2008. – 64 с., Д.В.Муха, "Макроэкономическая эффективность привлечения прямых иностранных инвестиций в Республику Беларусь" – Минск: Беларуская наука, 2017.- 51 стр.,

⁴ И.А.Баранова "Формирование способов распределения инвестиционных ресурсов на предприятиях путевого хозяйства железных дорог, осуществляющих инновационную деятельность" Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Орел 2007, стр 15, Б.А.Аксенов "Управление инвестиционной деятельностью железнодорожного транспорта с использованием проектного финансирования" Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва 2007, стр 18, А.А.Бирюков "Экономическая оценка эффективности функционирования транспортного холдинга в условиях развития инвестиционных процессов" Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ростов-на-Дону 2013, стр 6-7.

⁵ Икрамов М. Стимулирование роста конечных результатов деятельности промышленных предприятий в условиях рыночных отношений. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. - Санкт-Петербург, 1992. -33с., Ирисбекова М.Н. (DSc) Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш: икт. фан. док. дисс.

Мазкур йўналишда келтирилган олимларнинг тадқиқ этилаётган муаммони ҳал этиш бўйича қўшган ҳиссаларини инобатга олган ҳолда транспорт тармоғига инвестицияларни самарали жалб этиш механизмлари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш моделлари каби масалалар республикамиз иқтисодий адабиётларида етарлича даражада ёритилмаган. Мазкур диссертация ишида ушбу муаммонинг ечими кенг ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-59 «Саноатнинг юқори технологик тармоқларида инновацион кластерларни шакллантириш методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темир йўл тармоғи корхоналарида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

темир йўл тармоғидаги корхоналарда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш;

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятидаги инвестицион фаолиятнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш ва унинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамиятини асослаш ҳамда жалб қилинаётган инвестицияларнинг манбаларини танлаш ва асослаш;

темир йўл транспорти тармоғига жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг инвестицион мультипликатор ва акселератор усулини амалиётга жорий қилиш;

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг инвестицион фаолияти ривожланишига таъсир этаётган омилларни аниқлаш;

темир йўл транспорти тармоғида фаолият юритаётган етакчи мамлакатларнинг инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш тажрибасини таҳлил қилиш;

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қаршли корхоналарга йўналтириладиган инвестицияларни прогнозлашнинг эконометрик моделини ишлаб чиқиш;

автореф. ТДИУ, 2017. -84 б., Равшанов М.Н. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти: муаммо ва ечимлар. –Т.: МЭ, 2012. -209 б., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона (на примере Сырдарьинской и Джизакской областей Республики Узбекистан): дисс. д.э.н. - Т.: 1992; 38с., Саматов Ф. Повышение эффективности функционирования регионального пассажирского автотранспортного комплекса. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук., М.: МАДИ, 1990. – 39 с., Махмудов Н. Асқарова М. Макроиктисодий таҳлил ва прогноз қилиш. Дарслик. -Т.: Фан ва технология, 2014 й.-315 бет, Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2012, 24-б., Ғуломов А. Темир йўл компаниясининг асосий капиталини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2020, 29-б. Мухиддинова К.А. Автомобиль транспорти корхоналари инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2020, 23-б. Юсупходжаева Г. Автомобиль транспорти корхоналари рақобат салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси. Қодиров Т. Автомобиль транспорти тизимини самарали инвестициялашнинг иқтисодий механизмлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008, 69-б.

Ўзбекистон Республикаси темир йўл тармоғи корхоналарида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти корхоналари, жумладан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти корхоналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида инвестицион фаолият билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий абстракция, тизимли таҳлил, SWOT таҳлили, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, прогнозлаш ва бошқа стандарт усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

темир йўл транспорти корхоналари самарадорлигини баҳолаш усули мазкур корхоналар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда асосий капиталга киритилган инвестициялар қўшимча ўсишини инвестицион мультипликатор ва акселератор асосида такомиллаштирилган;

темир йўл транспортининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда корхона ишлаб чиқариш фондларининг ҳолатини асосий воситаларнинг эскириш ва яроқчилиги ҳамда асосий ва айланма воситаларининг умумий қийматдаги улуши коэффицентлари асосида интеграл баҳолаш асосланган;

темир йўл транспорти корхоналарининг инвестицион фаолиятини прогнозлаш усули йўловчи ташиш айланмаси, юк ташиш айланмаси, ишчилар ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми каби омилларнинг ҳар бир ишлаб чиқариш позицияси таркибини эътиборга олган ҳолда индивидуал ёндашувли эконометрик модель асосида такомиллаштирилган;

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти корхоналарининг инвестицион дастурини шакллантириш скейлап босқичининг итерацион алгоритми инвестицион ресурслар манбаларини баҳолаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

темир йўл тармоғидаги корхоналарнинг инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш ҳисобига транспорт тармоғидаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини баҳолашнинг йўналишлари келтирилган;

темир йўл транспорти корхоналаридаги инвестицион дастурни шакллантириш стратегиясини амалга ошириш жараёнига таъсир этувчи омиллар ва уларни ривожлантириш имкониятлари аниқланган;

темир йўл транспорти корхоналарининг инвестицион фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда қўллаб-қувватлаш йўналишлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир

йўллари» акциядорлик жамияти ва унга қарашли корхоналарнинг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий таклифлар, тавсия ва хулосалар саноат корхоналарида, хусусан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш, кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда, инвестицион фаолият билан боғлиқ жараёнларни ривожлантиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти темир йўл транспортидаги корхоналарнинг инвестицион дастурини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инвестицион ресурслардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, мутасадди корхоналарнинг дастурий ва ташкилий фаолиятини йўлга қўйишда, корхонанинг инвестицион барқарорлигини ошириш чоратadbирлари мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси темир йўл тармоғида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

темир йўл транспорти корхоналари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда асосий капиталга киритилган инвестициялар қўшимча ўсишини инвестицион мультипликатор ва акселератор асосида баҳолаш бўйича таклифлар «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бўйича 2020 йил 20 январдаги 6-сонли буйруқ асосида жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 29 январдаги 07/377-20-сонли маълумотномаси). Таклифнинг жорий қилиниши темир йўл транспортининг иқтисодий-инвестицион фаолияти самарадорлигини баҳолаш даражасини янада ошириш имконини берган;

корхона ишлаб чиқариш фондларининг ҳолатини асосий воситаларнинг эскириш ва яроқлилиги ҳамда асосий ва айланма воситаларининг умумий қийматдаги улуши коэффицентлари асосида интеграл баҳолаш таклифи «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бўйича 2020 йил 20 январдаги 6-сонли буйруқ асосида услубий фаолиятга жорий этилган «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 29 январдаги 07/377-20-сонли маълумотномаси). Таклифнинг жорий қилиниши темир йўл корхоналарининг ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш даражасини янада ошириш имконини берган;

йўловчи ташиш айланмаси, юк ташиш айланмаси, ишчилар ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми каби омилларга ҳар бир ишлаб чиқариш позицияси таркибини эътиборга олган ҳолда индивидуал ёндашувли эконометрик модель асосида темир йўл транспорти корхоналарининг инвестицион фаолиятини прогнозлаш усулини такомиллаштириш бўйича таклиф «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик

жамияти бўйича 2020 йил 20 январдаги 6-сонли буйруқ асосида услубий фаолиятга жорий этилган «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 29 январдаги 07/377-20-сонли маълумотномаси). Таклифнинг жорий қилиниши асосида темир йўл транспортининг 2025 йилгача бўладиган иқтисодий ва инвестицион фаолиятини прогнозлаш амалга оширилган ҳамда 2019 йилда 1,117 млрд. сўм иқтисодий самарага эришилган;

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти корхоналарининг инвестицион дастурини шакллантириш скейлап босқичининг итерацион алгоритми инвестицион ресурслар манбаларини баҳолаш таклифи «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан 2020 йил 20 январдаги 6-сонли буйруқ асосида амалиётга жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 29 январдаги 07/377-20-сонли маълумотномаси). Натижада инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда темир йўл транспорти корхоналарининг инвестицион дастурларини шакллантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар эълон қилинган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 5 та республика ва 1 та хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 162 бет ва иловалар ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида темир йўл тармоғида инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланиб, инвестицион фаолият ва уни темир йўл тармоғида амалга оширишнинг илмий-назарий ривожланиши, инвестицион фаолият ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, темир йўл тармоғида инвестицион фаолиятни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими таҳлил этилган ҳамда муаллиф таърифи келтирилган.

Рус олими К.П.Янковский таърифига кўра «Инвестицион фаолият - бу хомашё ва материаллар учун харажатларни қисқартириш, меҳнат

унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш майдонлари ва ҳажмларига эҳтиёжларни камайтириш, энергия истеъмолини, меҳнат ва молиявий ресурсларни яъни фонд харажатларини қисқартириш»⁶ - деб келтириб ўтган.

К.В.Павлов, Б.А.Аксеновларнинг тадқиқотларида: «...ресурслардан экстенсив фойдаланиш иқтисодий самаранинг пропорционал ўсишига олиб келса, ресурслардан интенсив фойдаланиш самаранинг ўсишига олиб келади»⁷ - дея фикр билдирган.

Маҳаллий олимлардан Т.У.Қодиров, А.А.Гулямовларнинг фикрига кўра «Транспорт тизимининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун давлат иқтисодий қўллаб-қувватлаш чораларидан солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларни, воситаларни импорт қилишдаги енгилликларни, тизимни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида ихтисослашган ўқув юртлари фаолиятини янада жонлантиришни режалаштириш лозим. Бу ва бошқа тадбирлар натижасида транспорт тизимига хусусий инвестицияларнинг киритилиши ошади»⁸ деб ҳисоблашган.

Бизнинг фикримизча «инвестицион фаолият» - бу ахборотлаштириш ва рақамлаштириш шароитида замонавий техника ва инновацион технологияга йўналтирилган ҳамда юқори самара берадиган молиялаштириш ва капитал қўйилмалар билан боғлиқ жадаллаштирилган жараёнларнинг мажмуи ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган инвестицион фаолият иқтисодиётнинг барча секторларида фаолликни ошириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Бу фаолият табиий равишда, иқтисодиётда инвестицияларнинг ҳажми ва миқдорининг кўпайишини талаб қилади. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг реал секторларида сарфланадиган маблағларнинг аксарият қисмини инвестициялар ташкил этади. Бу ҳолат инвестицияларнинг фақат фойда олиш учун эмас, балки ижтимоий барқарорликни таъминлаш, шунингдек иқтисодиётнинг ўсиши учун ҳам зарурдир. Аммо, ҳозирги кунда темир йўл транспорти тармоғидаги мавжуд инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш борасида бажарилган илмий изланишлар етарлича эмас, ушбу тармоқнинг имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланилмапти. Республиканинг инвестиция салоҳиятини ошириш, иқтисодиётнинг устувор соҳа ва тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция киритиш жараёнининг рақобатбардош экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган

⁶ К.П.Янковский “Инвестиции” Учебник. – СПб.: Питер, 2008. – 64 с.

⁷ К.В.Павлов. “Инвестиции и инновации интенсивного и экстенсивного типа: макроэкономический подход” Вісник економічної науки України 2009/№2 стр.102.; Б.А.Аксенов Управление инвестиционной деятельностью железнодорожного транспорта с использованием проектного финансирования. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Москва, 2007.- 46 с.

⁸ Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти тизимини самарали инвестициялашнинг иқтисодий механизмлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008, 69-б.; А.А.Гулямов Анализ способов оценки эффективности инвестиций в железнодорожный транспорт на примере АО «Узбекистон Темир Йуллари»//Экономика и менеджмент инновационных технологий. 2018. №1. <http://ekonomika.snauka.ru/2018/01/15709>

вазифаларни бажариш инвестицион фаолият тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари сифатида қайд этилмоқда.



1-расм. Инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи механизмлар⁹

Инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи механизмлар жорий этишдан мақсад, хомашё сарфини камайтириш ва ундан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган махсус катта ҳажмдаги объектларга бўлган эҳтиёжнинг ҳамда энергия сарфини, шунингдек, меҳнат ва молиявий ресурсларга бўлган талабни камайтиришдан иборат (1-расм).

Инвестициялар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни ўзаро инвестицион харажатлар ва улардан олинадиган натижаларнинг нисбати орқали қуйидаги усулларда аниқлаш мумкин. Кўрсаткичлар:

1. «инвестициялар рентабеллиги» - бу кўрсаткич бир бирлик киритилган инвестицияга тўғри келадиган фойдали натижа орқали характерланади, ёки инвестицион харажат ва натижанинг ўзаро нисбати дир;

2. «инвестицияларнинг қопланиш муддати» - бу кўрсаткич инвестициялар ва натижалар орқали, бир бирлик натижа олиш учун тўғри келадиган инвестициялар дир;

3. «интеграл самара» - бу кўрсаткич ҳисоб юритилаётган вақт давомида инвестицияларнинг натижаларга олиб келган қиймат баҳосининг ошиши дир;

4. «қўшимча молиялаштиришга эҳтиёж» - бу кўрсаткич олинган натижалардан киритилган инвестициялар ҳажми ортиб кетиши ҳисобланади.

Темир йўл тармоғидаги инвестицион фаолият жараёнларини самарали амалга ошириш учун иқтисодий ҳамда эконометрик усуллардан фойдаланиш талаб этилади. Улар қаторига инвестицион мультипликатор, акселератор, инвестицияларнинг эластиклик коэффициенти ҳамда детерминация

⁹ Муаллиф ишланмаси

коэффициентини келтириш мумкин. Чунки бу кўрсаткичлар тармоққа киритилаётган ҳар бир бирликдаги қўшимча инвестиция қўшимча даромад олиб келаётганлигини ўзида намоён этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг мультипликатив таъсири мамлакатимиз иқтисодиёти ва темир йўл ривожланишида миллий даромаднинг ўзгариши ҳамда инвестицияларнинг ўзгаришига боғлиқдир. Бу инвестицион харажатларнинг классик мультипликаторидир.

Диссертациянинг иккинчи боби «Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти тармоғи инвестицион фаолиятининг ҳозирги ҳолати» деб номланиб, ушбу бобда иқтисодиёт тармоқлари кесимида киритилган инвестициялар динамикаси ва таркиби, Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортининг корхоналарига киритилган инвестициялар ҳажми, инвестицион фаолиятга маблағларни жалб қилиш усуллари, темир йўл транспортида инвестицияларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири бўйича тақсимланиши ҳамда инвестицион фаолият самарадорлигини оширишнинг хориж тажрибаси тадқиқ қилинган.

1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари кесимида киритилган инвестициялар динамикаси ва таркиби, (% , фоизда)¹⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар										
	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	28,4	30,4	33,8	34,2	34,2	37,4	40,9	39,3	46,7	47,6	38,8
Қишлоқ хўжалиги	3,1	3,5	5,2	4,8	4,6	4,1	3,3	3,4	3,5	3,3	8
Қурилиш	2,8	1,4	1,8	1,2	1,5	2,3	2,5	1,9	2,1	2,3	2,8
Транспорт	15,6	25,7	15,9	14,9	15,2	11,9	9	12	9,3	7,4	6
Алоқа	3,7	4	4,3	2,9	2,7	2,2	2,2	2,3	2,8	0,9	1,7
Савдо ва овқатланиш	2,7	8,7	4,4	4,5	5,2	5,6	5,5	5,1	4,5	5	3,1
Уй-жой қурилиши ва коммунал хўжалиги	22,4	13,9	20,2	21,7	23,2	22,7	24	22,9	17,6	18,9	23,2
Соғлиқни сақлаш	2,3	1,7	2,5	4	3,1	2,8	2,5	2,4	2,3	2,5	2,6
Таълим	8,1	2,1	2,3	2,8	2,6	2,3	2,3	2,8	2,2	2,6	2,6
Бошқалар	10,9	8,6	9,6	9	7,7	8,7	7,8	7,9	9	9,5	11,2

1-жадвалдан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасига жалб қилинган инвестицияларнинг ҳажмини таҳлил этадиган бўлсак, сўнгги йилларда сезиларли даражада ўсиш кузатилмоқда. 2019 йилда жами 189924,3 млрд. сўм инвестиция мамлакатимизга жалб қилинган. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 1,5 баробардан ҳам кўпроқдир. Жалб қилинган инвестицияларнинг энг катта ҳажми саноат тармоғини ривожлантиришга қаратилган. Лекин бу кўрсаткич ҳам ўз навбатида 2019 йилда жами инвестицияларнинг 38,8%ни ташкил этган бўлса ҳам жами жалб қилинган инвестицияларнинг ҳажми камаймаган, балки уларнинг таркибий жойлашуви қисқарган ҳолос.

Транспорт тармоғига киритилган инвестицияларнинг ҳажми

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2019 йилда 6 фоизни ташкил этиб, 2016 йилдаги нисбатан 2 баробар камайган. Темир йўл тармоғидаги корхоналарга киритилаётган инвестицияларнинг ҳажми қисман камаймоқда. Инвестицияларни ўзлаштириш жараёни жадал олиб борилмоқда ҳамда тўловлилик қобилиятини тушириб юбормаслик учун баъзи лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш тўхтатилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортига жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми (млн.долл.)¹¹

Жалб қилинаётган инвестицияларнинг йўналишлари	Йиллар					
	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Жами «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	669,95	755,46	831,18	734,17	527,32	600,9
Шу жумладан инвестицияларнинг манбалари бўйича						
Хусусий маблағлар	338,09	457,26	379,28	385,77	251,40	252,99
Давлат бюджетидан	67,91	73,72	109,88	85,11	61,64	72,92
Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига	149,84	22,40	79,90	116,08	40,23	85,57
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	1,53	0,0	0,0	13,60	29,78	61,04
Хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остидаги кредитлар	112,58	177,08	212,12	133,61	126,86	81,35
Тижорат банкларининг кредитлари	0,0	25,0	50,0	0,0	17,41	47,03

2-жадвалдаги кўрсаткичларни таҳлил қилар эканмиз мамлакатимиз иқтисодиётининг локомотиви бўлган темир йўл транспортига жалб қилинаётган инвестицияларнинг ҳажми 2017-2019 йилларда пасайган. Яъни 2017 йилда инвестициялар умумий ҳажми 2016 йилга нисбатан 12 фоизга, 2018 йилда 37,5 фоизга ва 2018 йилда 27,7 фоизга қисқарган. Бунинг асосий сабаби хусусий маблағларнинг олдинги йиллардаги инвестицияларни ўзлаштиришга қаратилганлигидир. Лекин шунинг инобатга олиш лозимки 2017-2019 йиллар мобайнида тармоқдаги корхоналарга инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг кириши сезиларли даражада ўсганлиги кўринмоқда.

2017-2019 йиллар мобайнида тармоққа инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ошган. Хусусан Јарап International Cooperation Agency (ЈІСА, Япония), Осиё тараққиёт банки, Эксимбанк Хитой, Жаҳон тараққиёт ва реконструкция банки каби хорижий инвесторларни келтиришимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, темир йўл транспортида инвестициялар оқимини кенгайтиришни самарали йўллар орқали амалга ошириш мумкин. Давлат бюджетининг маблағлари, банк маблағлари ва ўз маблағлари ҳисобига ўзгартириш зарур.

¹¹ «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Таҳлил натижалари орқали биз Ўзбекистон Республикаси темир йўл тармоғига жалб қилинаётган инвестицияларнинг асосий қисми хусусий маблағлар ташкил этаётганини аниқладик. Яъни уларнинг улуши жами инвестицияларга нисбатан олинганда сўнгги 6 йилда 49,6 фоиз бўлган. Кейинги ўринда темир йўл транспортига маблағларни йўналтириш бўйича хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остидаги кредитлар эгаллаган ҳолда сўнгги 6 йилда бу кўрсаткич 20,72 фоизга етган.

Шу билан бир қаторда тижорат банкларининг ушбу соҳага инвестиция киритиш ҳажми сўнгги йилларда аста секинлик билан ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобига киритилаётган инвестициялар ҳажми турли йилларда турли хил кўрсаткичлар билан намоён бўлиб, 2014-2019 йилларнинг таҳлили келтирилганда 11,99 фоизга тенг бўлган.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимидаги корхоналарга инвестицияларни жалб қилишнинг усуллари лойиҳани амалга ошириш мақсадида танланади. Инвестицион фаолиятни амалга оширишдаги ва инвестицияларни жалб қилиш усуллари сифатида қуйидагилардан фойдаланилмоқда:

- ўз-ўзини молиялаштириш, яъни фақат ўз маблағлари ҳисобига;
- акциялаштириш ёки улушли молиялаштиришнинг бошқа шакллари;
- кредит орқали молиялаштириш;
- банкларнинг инвестицион кредитлари;
- облигацияларни чиқариш;
- лизинг;
- бюджетдан молиялаштириш;
- турли усуллар комбинациялари асосида аралаш молиялаштириш;
- лойиҳавий молиялаштириш.

3-жадвал

Темир йўл транспортида инвестицияларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири бўйича тақсимланиши (млн.долл.)¹²

Инвестицияларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири бўйича	Йиллар					
	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Интенсив инвестициялар	583,8	638,1	714,8	492,8	201,7	192
Экстенсив инвестициялар	86,2	117,4	116,4	241,4	325,6	408,9
Жами	670	755,5	831,2	734,2	527,3	600,9

3-жадвал таҳлили шуни кўрсатдики, 2014 йилда интенсив йўналишдаги инвестициялар ҳажми экстенсив инвестицияларга нисбатан 6,5 баробардан ҳам кўпроқ бўлган. Лекин 2019 йилга келиб экстенсив инвестициялар ҳажми интенсивга нисбатан 2,1 баробардан кўпроққа тўғри келмоқда. Яъни темир йўл транспортининг ўзига хослигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу экстенсив инвестицияларнинг аксарият қисми тўғридан тўғри темир йўл соҳасига эмас, балки ижтимоий лойиҳаларга қаратилган. Шу билан бирга «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг темир йўл йўналиши бўйича ривожланишига замин яратмайди. Чунки уларнинг таркибида истироҳат

¹² «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

боғлари барпо этиш, «Ўзбеккўмир» АЖни модернизациялаш, кўптармоқли клиника қуриш каби йўналишларга қаратилган. Ушбу йўналишлар молиявий томондан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ учун фойдали бўлиши мумкин, лекин темир йўлнинг ривожланишига қаратилмаган. Бу эса ўз навбатида инвестицион ресурслар ва инвестицион фаолиятнинг самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда олиб борилаётган темир йўл тармоғидаги ўзгаришлар инвестицион фаолиятнинг самарали бўлишига олиб келмоқда. Темир йўл транспорти бозори қатнашчиларининг ўзаро самарали муносабатлари асосан темир йўл тармоғи ва темир йўл инфратузилмасини функционал ташкил этишда давлат ёндашуви билан белгиланади. Жаҳон тажрибасида иккита асосий ёндашув, яъни функционал ташкил этиш ва темир йўл тармоғини давлат томонидан тартибга солишни ажратишимиз мумкин, улар тармоқнинг ривожланиш амалиётида тарихий боғлиқдир¹³.

Биринчи ёндашув шундан иборатки, унда темир йўл транспорти ва темир йўл инфратузилмаси иқтисодиётнинг ижтимоий муҳим сектори сифатида белгиланмайди, бу орқали тармоқдаги субъектларнинг хизматлари давлат томонидан тариф орқали тартибга солишга муҳтож эмас. Бу ҳолатни биз Канада, АҚШ ва Австралиянинг баъзи штатларида кўришимиз мумкин. Бу жараёнда тармоқнинг асосий ривожланиши хусусий инвесторларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади, давлатнинг асосий тартибга солиш роли эса биринчи навбатда темир йўл инфратузилмасида қулай шароит яратиш ва унинг ишончли фаолият юритишини таъминлашга қаратилади. Шу билан бир қаторда темир йўл тармоғидаги инфратузилмавий компанияларнинг тариф сиёсатида давлатнинг тўғридан тўғри аралаша олиш имкони бўлмайди.

Иккинчи ёндашув кенг тарқалган бўлиб, аксинча темир йўл транспорти ва темир йўл инфратузилмаси иқтисодиётнинг ижтимоий муҳим сектори сифатида ифодаланади ҳамда давлатнинг аниқ тизимли назоратини, тариф сиёсатида аралашувининг зарурлигини кўрсатади. Бундай ёндашув асосан Буюк Британия, Германия, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Австралиянинг баъзи штатлари ва АҚШнинг «Amtrack» вертикал-интеграциялашган йўловчи ташиш компаниясини киритиш мумкин.

Темир йўл тизимини ташкил этишда ва инвестицион фаолиятни амалга оширишда етакчи мамлакатлардан бири бу Буюк Британия ҳисобланади. Мамлакатнинг темир йўл тармоғи иқтисодий ва ижтимоий томондан барқарор бўлиб, Буюк Британия темир йўл тармоғининг кучли ва кучсиз томонлари, имкониятлари ҳамда тармоқнинг ривожланишига нисбатан пайдо бўладиган хавф-хатарни таҳлил қилиш орқали кўринди.

Кўплаб жаҳон мамлакатларида темир йўл тармоғи узоқ вақт давомида энг қаттиқ тартибга солинадиган иқтисодиётнинг тармоғи бўлиб келган. Темир йўлнинг вертикал-интеграциялашган монопол фаолиятида доимо

¹³ O.O.Mozgovaya, D.V.Agafonov, the Directions of enhancement of state regulation machineries for the purpose of attraction and protection of investments into infrastructure of a rail transport // Infrastructure industries of economy: problems and prospects of development: the collection of materials X of the International scientific and practical conference / Under a general edition of S.S. Chernov. - Novosibirsk: NGTU publishing house, 2015. - page 145-153 ISBN 978-5-7782-2764-4.

давлатнинг аралашуви, масштабни самаранинг мавжудлиги, алоҳида фаолият тури бўйича қийинчиликлар ва темир йўл транспортидаги кўрсатилаётган хизматлар таннархи таркибида инфратузилма харажатларининг юқори улуши 80 фоиздан ортиғига тўғри келади. Бундай аралашув тармоққа хусусий инвестицияларни ва рақобатнинг механизмларини жорий қилиш мақсадсиз ва имкониятсиз ҳолатга тушириб қўяди.

Дунё миқёсидаги энг йирик, иқтисодий барқарор ва жуда катта суръатларда ўсиб бораётган Хитой Халқ Республикасининг темир йўл тармоғи ҳам параллел равишда ривожланмоқда. Чунки Хитой ҳозирги кунда ЯИМни ишлаб чиқариш бўйича етакчи мамлакатлардан бирига айланмоқда. Хитой ҳозирги кунда темир йўл тармоғига тезликни қўшишни мақсад қилиб қўйган. Яъни, улар ўзларига яқин бўлган океан ортидаги 12 мамлакат Эфиопия, Нигерия, Ангола, Кения, Буюк Британия, АҚШ, Зимбабве, Россия Федерацияси, Мянма, Қозоғистон, Сербия ва Таиландга йўл очишмоқчи, бу учун катта ҳажмда инвестиция жалб қилиш талаб этилади. Бу орқали Хитой ўзининг темир йўл тармоғини янада ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган.

Ҳиндистонда темир йўл тармоғи жуда тез ривожланаётган бўлсада, ушбу соҳага инвестицияларни жалб қилишда турли хил муаммолар мавжуд. Чунки кўплаб инвесторлар ишончли ва тез қопланадиган лойиҳаларга инвестицияларни киритишни хоҳлайдилар. Ҳиндистонда эса темир йўл тармоғининг ривожланишига ва инвестицион муҳитга таъсир этадиган қуйидаги муаммолар мавжуд:

- инфратузилма қийматининг жуда баландлиги;
- қурилиш йўналишида коррупциянинг тўсиқ бўлиши;
- юқори малакали операторларнинг етишмаслиги;
- ривожланган мамлакатлар сингари моделлаштирилган технологияларни қўллаб бўлмаслиги;
- катта ҳажмда ер сотиб олиш катта эътирозлар ва кўп вақт талаб этиши;
- темир йўлга киритилаётган инвестицияларнинг қачон ва қандай ҳажмда қайтишига ҳеч қандай кафолат бўлмаслиги;
- тез муддатда амалга ошмаслиги ва кўп вақт талаб этиши;
- операция фаолият, янги конструкция ва дизайннинг замонавийларига мослаштиришлари учун муҳандисларни тайёрлаб, инсон ресурсларини ривожлантириш кабилар киради.

Юқоридаги келтирилган ёндашувларнинг ўзига хос ижобий томонларини мамлакатимиз темир йўл тармоғига олиб кира олсак, мамлакатимиздаги транспорт тармоғини янада ривожлантириш орқали инвестицион салоҳиятни ошириш имкониятига эга бўламиз.

Бизнинг фикримизча, темир йўл транспортида инвестицион фаолиятни кенгайтиришнинг қуйидаги самарали йўллар орқали амалга ошириш зарур:

- давлат бюджети маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти учун мос келадиган инвестицион кўмак шакллари яратиш;
- маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет маблағлари ҳисобига шаҳарлар ва ҳудудларнинг хўжалик субъектлари иқтисодий томондан

йўловчиларни ташиш ҳамда кам фаолиятли темир йўл участкалари учун инвестиция ажратишни йўлга қўйиш;

- хусусий маблағлар ҳисобига юкларни ташиш тарифларида инвестицион боғланишларнинг асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш ва юк ташишда даромадларни шакллантириш принципларини ўзгартириш;

- асосланган амортизацион сиёсат ҳисобига асосий фондларнинг баҳоланиши ва ажратмаларни аниқлашни оптималлаштириш орқали темир йўл транспорти техникасининг янгиланиши учун инвестицияларни ажратиш;

- иқтисодий асосланган заём маблағлари ҳисобига инвестицияларни жалб қилишни янада кенгайтириш имконини яратиш зарур.

«Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш истиқболлари» номли учинчи бобда темир йўл транспорти тармоғига жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг иқтисодий мультипликатор усулини такомиллаштириш, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖдаги инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг истиқболли эконометрик модели ҳамда темир йўл транспорти корхоналари учун скейлап босқичида итерацион алгоритм асосида инвестицион дастурни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш усули такомиллаштирилган.

4-жадвал

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ асосий иқтисодий кўрсаткичлари¹⁴

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Жами даромад млрд.сўм	1016,4	1733,7	1074,5	1459,3	1827,6	2298,5	2497,5	3365,7	3743,1	2799,9	6449,3	8015,8	13557,8	11320,4	8903,4
Базис йилга нисбатан жами даромад, %	100	170,6	62	135,8	125,2	125,8	108,7	134,8	111,2	74,8	230,3	124,3	169,1	83,5	78,6
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ асосий капиталига инвес- тициялар, млрд.сўм	73,8	297,3	213,2	324,3	408,4	658,3	784,4	874,5	1088,8	1755,7	1460,0	2660,6	3843,8	5142,8	4987,5
Базис йилга нисбатан жами инвестициялар, %	100	402,6	71,7	152,1	125,9	161,2	119,2	111,5	124,5	161,2	83,2	182,2	144,5	133,8	97,0
Даромаднинг қўшимча ўсиши, млрд.сўм	-	717,3	-659,2	384,8	368,2	470,9	199,0	868,2	377,4	-943,2	3649,3	1566,6	5542,0	-2237,4	-2417
Инвестицияларнинг қўшимча ўсиши, млрд.сўм	-	223,4	-84,1	111,1	84,1	249,9	126,1	90,1	214,4	666,9	-295,7	1201	1183	1299	-155,3
Инвестицияларнинг ўртача йиллик хажми, млрд.сўм	-	-	194,7	278,2	315,3	463,6	617	772,4	915,9	1239,7	1434,9	1958,8	2654,8	3882,4	4658

¹⁴ «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

4-жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йилда жами даромад ҳажми 2018 йилга нисбатан 22,4 фоизга камроқ бўлган, бунинг асосий сабаби жаҳонда кузатилаётган COVID-19 пандемияси билан ҳамда темир йўл тармоғидаги ҳамкор мамлакатларнинг иқтисодий инқирозга учрамаслиги учун инвестицияларни қайтариш йўлларининг тезлашиши билан изоҳланади. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, 2019 йилда жами асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2018 йилдаги бор йўғи 3фоизга қисқарган. Бунинг асосий сабаби мавжуд вазиятни барқарор ушлаб қолиш мақсадида давлат бюджети маблағлари, хусусий маблағлар ва тижорат банкларининг кредитлари ўз вақтида жалб қилинганлигидир. Чунки пандемия шароитида асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни етказиш катта ҳажмда темир йўл тармоғида корхоналарнинг зиммасига тўғри келиши башорат қилинганлигидир. Ҳисоб китоблар натижасида инвестицияларнинг ўртача йиллик ҳажмини мартада аниқлашимиз учун 2019 йилдаги инвестицияларни 2005 йилдаги инвестицияларнинг ўртача йиллик ҳажмига нисбати орқали топилди ва бу кўрсаткич 23,92 мартага кўпроқ эканлиги аниқланди. Инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсишини фоизда аниқлашда, 23,92 сони 15 даража остидаги логарифмдан чиқарилади ва 1,24 фоизга ўзгариб бориши аниқланди. Кейинги иқтисодий кўрсаткич бу инвестицияларнинг қиймат кўринишидаги илгарилаш коэффиценти ҳисобланади. Илгарилаш коэффицентини аниқлаш учун эса даромадларнинг қўшимча ўсиш ҳажмини инвестицияларнинг қўшимча ўсиш ҳажмига нисбати орқали топиш мумкин.

5-жадвал

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг илгарилаш коэффиценти кўрсаткичлар қиймати¹⁵

Т/Р	Йиллар	Даромаднинг қўшимча ўсиши	Инвестицияларнинг қўшимча ўсиши	Илгарилаш коэффиценти
1	2005	0	0	-
2	2006	717,3	223,4	3,21
3	2007	-659,2	-84,1	7,84
4	2008	384,8	111,1	3,46
5	2009	368,2	84,1	4,38
6	2010	470,9	249,9	1,88
7	2011	199,0	126,1	1,58
8	2012	868,2	90,1	9,64
9	2013	377,4	214,4	1,76
10	2014	-943,2	666,9	-1,41
11	2015	3649,3	-295,7	-12,34
12	2016	1566,6	1200,6	1,30
13	2017	5542,0	1183,2	4,68
14	2018	-2237,4	1299,0	-1,72
15	2019	-2417,0	-155,3	15,6

¹⁵ Муаллиф томонидан тайёрланди

Илгарилаш коэффициентни 2019 йилда 15,6 ни ташкил қилиб 1 бирлик инвестицияларнинг қўшимча ўсиши 15,6 бирлик даромаднинг қўшимча ўсишига олиб келган. Энг паст кўрсаткич 2015 йилда қайд этилиб унда -12,34 коэффициентни кўришимиз мумкин (5-жадвал). Инвестицион мультипликаторни аниқлаш учун жорий йилдаги даромаднинг қўшимча ўсишини базис йилдаги даромаднинг қўшимча ўсиш нисбатини 100 га кўпайтириб олиб ва акселераторни аниқлашда жорий йилдаги инвестицияларнинг қўшимча ўсишини базис йилдаги инвестицияларнинг қўшимча ўсиш нисбатини олиб 100 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

6-жадвал

Инвестицион мультипликатор ва акселератор учун зарур кўрсаткичлар¹⁶

Кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Даромаднинг ўртача қўшимча ўсиши, фоизда (дельта, ΔY)	-91,9	-58,4	95,7	127,9	42,3	436,3	43,5	-249,9	-386,9	42,9	353,8	-40,4	108
Инвестициянинг ўртача қўшимча ўсиши, фоизда (дельта, ΔI)	-37,6	-132,1	75,7	297,1	50,5	71,5	238,0	311,1	-44,3	-406,0	98,6	109,8	-11,96

6-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар орқали инвестицион мультипликатор ва акселераторнинг қиймат кўрсаткичларини топиш мумкин. Бунинг учун инвестициянинг фоиздаги ўртача қўшимча ўсишини даромаднинг фоиздаги ўртача қўшимча ўсишига нисбати орқали аниқлаш мумкин.

Инвестицион мультипликатордаги кўрсаткичларнинг ижобий ҳолатига 2013 йилда эришилган бўлиб, бу кўрсаткич 5,47 га тенг бўлган. Бундай вазиятда 1 сўмлик киритилган инвестициядан 5,47 сўмлик даромад олинган. Инвестициялардан оқилона фойдаланилмаганлик сабабли 2016 йилда 9,46 га тенг бўлган. Яъни киритилган инвестицияларнинг даромад келтириш даражаси манфий кўрсаткич билан тасвирланган. Лойихалардаги номуносивбликлар ҳисобига шундай натижаларга эришилган (2-расм).



2-расм. Инвестицион мультипликатор динамикаси¹⁷

¹⁶ Муаллиф томонидан тайёрланди

¹⁷ Муаллиф томонидан тайёрланди

